



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 242 (12.303)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОНДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИШ ЖИҲАТИДАН ЖОЗИБАДОР 20 ДАВЛАТ ҚАТОРИДАН ЖОЙ ОЛДИ

Ўзбекистон 2013 йилда бизнес учун дунёдаги энг истиқболли 20 давлат қаторига қўшилган Марказий Осиёдаги ягона давлат бўлди. Бу хабарни хорижий оммавий ахборот воситалари Буюк Британиянинг таваккалчиликларни таҳлил қилиш билан шуғулланадиган Marplecroft консалтинг компанияси хулосасига асосланган ҳолда эълон қилди.

Буюк Британиянинг Marplecroft консалтинг компанияси шу йил 5 декабрда узоқ муддатли инвестициялар жалб қилиш учун дунёдаги қулай мамлакатларнинг навбатдаги рейтинг ҳақидаги маърузани нашр этди. Ўзбекистон ушбу рейтингда дастлабки йигирмата давлат қаторига киритилган. Рўйхатда Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Жанубий Корея ва Малайзия етакчилик қилмоқда.

Marplecroft компанияси томонидан ҳисоблаб чиқариладиган «Ривожланиб бораётган бозорлар индекси» бизнес юритиш учун истиқболли бўлган 175 давлатни ўз ичига олган. Индексда ўтган йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлар, мамлакатнинг инвестиция сарфлаш учун жозибadorлиги, энг сўнгги таркибий ислохотлар ва демографик аҳвол, шу жумладан ўрта синф сони бўйича прогнозлар эътиборга олинган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юқори баҳоланмоқда. Мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг муваффақиятлари юртимиздаги сиёсий барқарорлик ва ислохотларнинг изчил амалга оширилишига асослангани етакчи халқаро экспертлар томонидан бир неча бор таъкидланди.

Мамлакатимиз жаҳон иқтисодиётида ҳамон давом этаётган инқирознинг салбий оқибатларига нафакат ишончли тарзда бардош бермоқда, балки макроиқтисодий мувозанатни, юқори иқтисодий ва ижтимоий ўсиш суръатларини сақлашга эришмоқда.

Айниқса, инвестиция соҳасида рўй бераётган таркибий ўзгаришлар эътиборга молик. Истиқбол йилларида мамлакатда самарали конунчилик базаси, хорижий сармоядорлар учун кенг қўламли ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар мажмуи яратилди, хориж капитални иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича яхлит чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди.

Ўзбекистоннинг хорижлик шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги мамлакатда чет эллик сармоядорларнинг муваффақиятли ишлаши учун барча шарт-шароит яратилганидан ёрқин далолат беради. Буларнинг барчаси Ўзбекистонга инвестиция муҳити энг жозибador етакчи давлатлар қаторидан муносиб жой эгаллаш имконини берди. Буни Marplecroft компанияси экспертлари яна бир бор тасдиқлади.

(ЎЗА)

Иқтисодиёт

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Бундан ўн беш йиллар аввал пойтахтимиздаги йирик трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш корхонасида бўлганимизда, унинг раҳбарига «Бу ерда фақат катталар учун эмас, кичиктойларга мўлжалланган кийим-кечаклар ҳам ишлаб чиқарсангиз бўладими?» деган саволни ўртага қўйгандик. Шунда у «Гапингиз тўғри, бироқ болалар буюмлари тайёрлаш жараёнида кўпроқ чиқит чиқадимиз. Биласиз, ортиқча чиқит, корхонани қўшимча харажатга туширади», деб жавоб берганди.

ҚЎШИМЧА ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛАДИ

Ҳақиқатан ҳам ўша даврларда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг аксарияти болалар учун мўлжалланган буюмларга иккинчи даражали маҳсулот сифатида қарарди. Бунинг оқибатида ушбу турдаги кийим-кечакларнинг асосий қисмини хориждан катта валюта эвазига келтиришга тўғри келарди.

Ҳукуматимиз томонидан ўтган вақт мобайнида бундан тегишли хулоса чиқарган ҳолда болалар буюмлари ишлаб чиқармоқчи бўлган корхоналарга жуда кўплаб солиқ имтиёзлари ва бошқа қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида қатор қарорлар қабул қилинди. Бунинг натижасида айни пайтда юртимизда юздан зиёд турли мулкчилик шаклидаги корхоналар фаолият кўрсата бошлади. Ана шулардан бири Бектемир туманидаги «Niso Tekstil Servis» масъулияти чекланган жамиятидир. Мазкур корхонанинг фаолият бошлаганига унчалик кўп вақт ўтмаган бўлсада, бу ерда ҳар хил турдаги болалар буюм кийим-кечаклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Жамият бошқаруви раиси Мансур Хабиялиевнинг таъкидлашича, корхонадаги технологик линияларнинг деярли барчаси хориждан келтирилган. Бу ерда ўз

қасбининг усталари бўлмиш 25 нафар модельер-дизайнер, тикувчилар меҳнат қилишади. Шунинг учун ҳам корхонада айни пайтда болажонлар учун мўлжалланган маҳсулотларни халқаро стандартлар талаблари даражасига етказишга ҳаракат қилинмоқда.

Келгуси йилдан бошлаб, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгач, қўшимча яна 60 та янги иш ўрни ажратилиши кўзда тутилган. Бу эса корхонанинг эртанги истиқболини янада ошириш имкониятини беради.

(Ўз мухбиримиз)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Навоий шаҳрида «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар экспертизасини амалга ошириш жараёни» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоят адлия бошқармаси томонидан давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур анжуманида мамлакатимизда жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш жараёнида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ йодкорлиги соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш муҳим вазифалардан экани таъкидланди.

• Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Сайрам қишлоғида намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган Янги Аҳсикент даҳасида замонавий маиший хизмат кўрсатиш маркази фойдаланишга топширилди. Бу ерда эркаклар ва аёллар сартарошхонаси, тикувчилик, пойабзал таъмирлаш, телерадио жихозларни таъмирлаш устaxonалари, кимёвий тозалаш пункти каби ўнлаб шохобчалар аҳолига хизмат кўрсатади.

• Жиззах шаҳрида ёш истеъодларнинг «Нихол» мукофоти учун республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Белгиланган шартларга кўра, ҳар бир номинация бўйича дастлабки икки ўринни эгаллаган жами ўн нафар иштирокчи танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

• Қашқадарё вилоятида «Болалар саломатлигини муҳофаза этишда эмлашнинг роли» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда иштирок этган тиббиёт ходимлари болалар саломатлиги ҳамда уларни оғир ва юқумли касалликлардан асраш мавзуларига тўхталиб ўтишди, бу борада эмлашнинг аҳамияти тўғрисида тушунчалар берилди.

• Қосон туманидаги нон ва нон-маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган «Қосон капитал инвест» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариш жараёни модернизация қилиниб, янги инновацион технологиялар жорий этилди. Натижада корхона қуввати уч бараварга ошди, қўшимча бешта иш ўринлари яратилди.

ЖАҲОНДА

• 1835 йилда тайёрланган «Герцог Орлеанский» деб номланган жуда ноёб соат Нью-Йоркда ўтказилган кимошди савдосида 6,8 миллион АҚШ долларига сотилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу соат техник жиҳатдан муқаммал бўлишдан ташқари, ҳақиқий санъат асари ҳам ҳисобланади.

• Австралия полицияси Чилидан жўнатилган йирик туркумдаги кокаин гинёхандлик моддасини мусодара этди. Маълумотларга қараганда, полиция томонидан амалга оширилган махсус операция чоғида 81 миллион АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги 135 килограмм кокаин йўқ қилинган.

• «Ассошиэтед Пресс» ахборот агентлигининг маълумотларига кўра, АҚШ президенти Барак Обама «Сэнди» бўронидан жабрланган штатларни тиклашга кўмаклашиш мақсадида Конгрессдан қўшимча 50 миллиард АҚШ доллари ажратишни сўраган.

• Электрон қурилмаларнинг яқка тартибдаги моделларини тайёрлашга ихтисослашган Буюк Британиянинг Amosu Couture заргарлик бренди 5,8 минг долларлик қийматдаги Apple iPhone 5 смартфонининг «люкс» вариантыни яратди.

• Халқаро Shell концернининг таҳминларига кўра, яқин келажакда Европа қитъасида газ истеъмоли 20 фоизга камайди ва кўмирдан фойдаланиш даражаси беш баробарга ошади.

УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА НОЁБ МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАР УЙҒУНЛИГИ

Шу йил 8 декабрь кунини юртимизда инсоннинг олий қадриятлари, унинг фаровонлиги, ҳуқуқ ва эркинликларини ўзида намойён этган ва ҳаётимизнинг барча соҳаларида яратувчанлик ислохотларининг ҳуқуқий замини бўлиб қолган мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллиги тантанали равишда нишонланди.

Президент Ислам Каримов «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтган тантанали маросим минбаридан туриб таъкидлаганларидек, Ўзбекистоннинг мушаккил тараққиёт йилларида эришган барча-барча ютуқ ва марралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши, аввало, Конституциямизнинг ҳаётбахш қудрати ва саҳояхиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустақкам асосга эга эканини яққол намойён этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нишонланганининг муҳим ўзига хослиги шу билан изоҳланадики, шу кезде мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари белгилаб олинди, уларда халқимизнинг орзу-истак ва интилишлари акс этади, ана шундай устуворликларнинг ҳаётга татбиқ этилиши эса буюк келажакка эришишимизга кўмаклашади.

Маълумки, Президент Ислам Каримов ташаббуси билан 2012 йил «Мустақкам оила йили», деб эълон

қилинган эди. Ишлаб чиқилган махсус Давлат дастури асосида оила институтини мустақкамлаш ва ривожлантиришга, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, маънан етуқ ва ҳар томонлама ривожланган баркамол ёш авлодни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи ҳаётга татбиқ этилди.

Кириб келаётган Янги – 2013 йил мамлакатимизда «Обод турмуш йили», дея эълон қилиниши давлатимиз раҳбари томонидан тақлиф этилди. Тантанали маросим қатнашчилари ушбу тақлифни қизгин оқишлар билан қўллаб-қувватладилар.

Давлатимиз ҳаётидаги ушбу муҳим сана муносабати билан «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирлари дипломатия корпуси ва халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари билдирган фикр-мулоҳазаларни ёзиб олдилар.

Латвиянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Игорс Апокин:

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Республика Маънавият тағрибот маркази Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан шаҳар болалар диагностика марказида «Бахтимиз қому-

си» мавзусида байрам тадбири ўтказилди.

✓ **КЕЧА** ЎзМУ маданият саройида «Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари» мавзусида илмий-амалий семинар ташкил этилди.

✓ **ЮНУСОБОД** тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази туманда истиқомат қилувчи яқка-ёлғиз, ногирон нафақахўрлар учун Конституциямизнинг 20 йиллигига бағишланган байрам тадбирини ташкил этди.

✓ **БУГУН** «Истеъдод» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида «Истеъдод» жамғармаси педагог кадрларнинг малакасини ошириш: тахриба ва тақлифлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

ЯНГИ ТИББИЁТ УСКУНАЛАРИ КЕЛТИРИЛДИ

Президентимизнинг «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш, самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»-ги Қарори ҳам белгиланган вазифаларни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этишда ўз самарасини бермоқда.

Шахримиздаги 9-туғруқ мажмуасига келтирилган янги тиббиёт ускуналари ҳам она ва бола соғлигини яхшилаш, соғлом фарзанд дунёга келишини таъминлаш, турли касалликларнинг олдини олишда жуда асқотади.

Президентимиз томонидан тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини мунтазам оширишга қаратилган юксак эътибор туфайли барча имкониятларга эга бўлмоқда, — дейди Учтепа туманидаги 9-туғруқ мажмуасининг 2-туғруқ бўлими бошлиғи Муқаддам Арипжонова биз билан суҳбатда. — Шифо-

Инсон саломатлигини асраш, соғлом авлод туғилишини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, шифохоналарни замонавий тиббий-техник ускуналар билан таъминлаш юртимизда тиббий-ижтимоий соҳада олиб борилётган ислохотларнинг устувор йўналишларидандир.



Гулнигор САТТОРОВА

хонамизда 65 ўринга мўлжалланган туғруқ бўлими, 40 кишилик гинекология ва туғруққа таёрлаш бўлими ҳамда фертил ёшдагилар учун маслаҳат поликлиникаси фаолият олиб бормоқда. Жорий йилда муассасамизга «Саломатлик-3» дастури асосида янги техник тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. Лаборатория таҳлиллари учун 2та биохимия аппаратлари, 5та замонавий туғруқ столлари, мuddатидан олдин ва вазни кам туғилган чақалоқлар учун электрон датчиклар ва тарозилар, болажонлар ҳароратини ўлчайдиган асбоблар, жаррохлик бўлимига иссиқ ва совуқ ҳавони мўътадиллаштириб турадиган «Artel» русумидаги янги 4 та кондиционер ва поликлиника учун УЗД аппаратлари ўрнатилди.

Дарҳақиқат, маъмур тиббиёт муассасасида соғлом фарзанд дунёга келишини таъминлаш борасида олиб борилётган ишлар талаб даражасидандир. Шифохо-

на қайта таъмирланиб, юқорида таъкидланганидек, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Она ва бола саломатлиги йўлида барча шарт-шароитлар мавжуд.

Шифохонада шунингдек, фаолият кўрсатаётган 340 нафар шифокор, ҳамшира ва ходимлар учун дам олиш хонаси, спорт зали қайта таъмирланиб, янги анжомлар билан жиҳозланди.

Малакали мутахассис шифокорлардан Муқаддам Арипжонова, болалар шифокори Гулнора Губайдулина, доярлар Нурия Йўлдошева, Гулчехра Абдуғаниева ва Васила Турсунхўжаева каби жонқуяр тиббиёт ходимлари она ва бола саломатлиги, соғлом фарзанд дунёга келишида камарбаста бўлиб хизмат қилмоқдалар.

СУРАТДА: шифохона ҳаётидан лавҳа

Болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида ўз касбининг усталари бўлган малакали шифокорларнинг ҳиссаси салмоқлидир.

Юнусобод туманидаги 12-сонли Марказий поликлиникада болалар бош невропатологи бўлиб фаолият юритиб келаётган шифокор Баҳром Файзуллаев ҳам болажонларнинг саломатликларини яхшилаш йўлида самарали меҳнат қилиб келаётган тажрибали шифокорлардан ҳисобланади.

У ўн йил мобайнида ўз соҳаси сирларини устозлари қаноти остида, уларнинг билимларини қунт билан эгаллаган ҳолда мукамал ўрганишга ҳаракат қилди. Шу вақт мобайнида изланишдан чарчамади, болаларда учрайдиган

БОЛАЛАР СОҒЛИГИ ЙЎЛИДА

турли неврологик касалликларни даволаш йўллари пухта ўзлаштиради, устозлари билан фикр алмашиди. 2010 йилда «Болаларда учрайдиган тутқаноқ касаллигини ўрганиш ва даволаш» мавзусида магистрик ишини ҳимоя қилди. Бу ишни ёқлаш мобайнида жуда кўплаб изланишларни амалга оширди. Устози Лидия Шашкина билан биргаликда илмий-амалий машғулотларда қатнашди. Мана шу ўн йил ичида бир йўналишда

эмас, балки шифокорликнинг турли босқичларида ўқиб, изланиб амалий малакасини оширди. Яъни, уч йил мобайнида дори-дармон ҳақсўлотлари билан ишлади. Маълум мuddат жонлантириш бўлимида фаолият олиб борди.

Айни пайтда мурғак болажонларни жон-дилидан севувчи шифокор сифатида марказий поликлиникада хизмат қилмоқда.

Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА

Табиат неъматлари ЎСИМЛИК ВА МЕВАЛАРНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Маккажўхори мойи атеросклероз касаллигига даволани қайд этилади. Бунинг учун беморлар ундан кунига 20-25 грамм миқдоридида бир неча ой мобайнида истеъмол этишлари тавсия қилинади.

Анъанавий табобат амалиётида жийда меваси ёки унинг дамламаси болаларда учрайдиган ич кетишга қарши беозор даво ҳисобланади. Дамлама, шунингдек, нафас йўллари шамоллаганида ҳам тавсия қилинади. Бунинг учун бир ярим литр сувга мевадан 50 грамм солиниб, бир оз қайнатилса, бир соат мобайнида сақланади. Сузилган шарбатдан кунига овқатдан кейин 4 маҳал 2 ош қошиқдан ичилади.

Чилонжийда мевалари кишига дармон бағишлайди, пешоб ҳайдади, қон босимини пасайтиради, балғам кўчишига ёрдам беради, шамоллаш билан боғлиқ касалликларнинг енгил кечишига воситачилик қилади.

Замонавий тиббиёт амалиётида усмалоқни сила куришида, бедармонлик ҳамда камқонлиқда парҳез овқат ва сервитаминли неъмат сифатида истеъмол этиш тавсия қилинади. Айни ҳолда пахла-сида, инсон организми витаминларга чанқоқ бўлган бир пайтда исмалоқнинг мурғак новда ва баргларидан, ялғиз, отулоқ, жажга, момоқаймоқ, йўнғичқа, лимонўт каби ўтлардан намуналар қўшган ҳолда қўхатли чучвара ва сомсалар тайёрлаб истеъмол этилиши жуда фойдали ҳисобланади.

Ўрик мевалари юрак давоси сифатида маълум. Бу неъмат кишига дармон бағишлайди, камқонлик балосига учраганларга шифо беради. Ўрик мағзида дамлама тайёрлаб ичиш ҳафаконга эм бўлади.

Халқ табобатида зигир уругидан тайёрланган қайнат-

ма мейда яраси, гастрит, мур-так безларнинг яллиғланиши, йўтал, ўпка сили (қайнат-мани сутга қўшиб истеъмол қилинади) ва буйрак касалликларига тавсия қилинади.

Кўк чой таркибида мавжуд бўлган катехинлар бевосита ичбуруғ, паратиф ҳамда коккли бактерияларга таъсир этиб, қирон келтириши аниқланди. Чой таркибида мавжуд бўлувчи гитамин кислотаси асабини тинчлантирувчи омил сифатида хизмат қилади. Чойдаги темир моддаси гемоглабинни кўпайтиради ҳамда қизил қон таначаларини шакллантиради, фтор элементи эса тишларни нурашдан сақлайди, йод ўз навбатида склероз касаллигининг олдини олади. Кўк чой қон босимини пасайтирувчи омиллардан ҳисобланади.

Тарвуз шарбати ўт пуфаги, буйрак ва қовуқдаги майда тош ва қумларни нуратиш ва организмдан чиқариб ташлаш хусусиятига эга. Юрак ҳамда буйрак касалликлари билан оғриган беморларнинг баъди-ни салқиганида тарвуз ижобий таъсир кўрсатади. Тарвуз шарбати жигар тўқималарини енгил сингийдиган қандлар билан таъминлайди.

Халқ табобатида кийик ўтининг барг ва гуллари асосида тайёрланадиган дамлама малак ҳафакон давоси ҳисобланади. Шунингдек, у томоқ оғриғи, мейда фаолиятининг бузилиши, кўнгил айниши, юрак санғиги, дил беҳаловатлигидан таскин берувчи омил сифатида тавсия этилади.

Маннон НАБИЕВ, дорихунос олим

Мен яқинда Ҳамза туманида жойлашган «Нуроний» шаҳар килиник шифохонасида соғлиғимни тиклаш мақсадида даволаниб чиқдим. Бугунги кунда 84 ёшдаман. Кексалиққа одам анча нозик бўлиб қолар экан. Бир оғиз ширин сўз, самимий кулгу ва беғараз, миннатсиз ёрдам ҳам кўнглимизни тоғдай кўтаради.

Миннатдорчилик

ШИРИН СЎЗ ҲАМ МАДОР

Даволанувчилар учун яратилган шарт-шароитлар, шифохона ҳудудининг шинам ва озодалиги, тинч ва осудалиги, айниқса ширинсўз шифокор, ҳамшира ва ходимларнинг беминнат хизматлари барча даволанувчи беморларга бирдай манзур бўлмоқда.

Мен бу ерда даволаниш билан бирга, самимий дўстлар ҳам орттирдим. Ҳамхонам Наманган вилоятининг Поп туманидан келган бемор Ҳужажалон Алихоннов билан яқин қадрдон бўлиб қолдим. Дўстим бу шифохонада 4 йилдан буён муттасил равишда даволаниб келар экан. Биз қарияларга кўрсатилган меҳр ва эътиборнинг ўзи қалбларимизга бир олам қувонч бағишлади, танамиздаги дард ҳам чекингандай бўлди.

Айтмоқчиманки бу ерда қариялар учун яратилган шароитларнинг қўлайлиги, овқатларнинг

мазалиги ҳам бизга манзур бўлиб, кўнглимизни беҳад шод этди. Беморлар учун керак бўлган барча қўлайликлар, дори-дармонларнинг мужасамлиги ва замонавий тиббиёт ускуналарининг мавжудлиги боис дардимизга тўлалигича шифо олдим.

Мен газетангиз саҳифалари орқали ўзим ва бирга муолажа олган наманганлик дўстим Ҳужажалон Алихоннов номидан шифохона шифокорларига Чекис миннатдорчилик билдирмоқчиман. Инсонлар саломатлигини тиклаш борасида сидқидилдан меҳнат қилаётган оқ халат эгалари ҳаммаша биздай нуроний кексаларнинг дуоларини олиб юриш бахтига муюссар бўлаверишимиз.

Абдурашид НОРМУҲАМЕДОВ, Чилонзор тумани Навбахор 1-тор кўчаси, 7-уйда истикомат қилувчи меҳнат фахрийси

Тиббиёт

САЛОМАТЛИК МЕЗОНЛАРИ

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар, тиббиёт соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш борасидаги тажрибаларни ўзаро ўртоқлашиш ва бошқа вазифаларга бағишланган «Саломатлик мезонлари» деб номланган анжуман Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтди.

Тадбирда тиббий-илмий марказлар, даволаш муассасалари шифокорлари, олим ва профессорлар иштирок этилди. Унда сўзга чиққанлар томонидан Юртбошимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилётган ислохотлар, кишилар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, замонавий тиббий билим ва малакага эга бўлган юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича тиббиёт соҳасидаги тўқсондан ортқ академик лицей ва коллежларнинг ахамияти хусусида сўз юритди.

Дарҳақиқат юртимизда тиббиёт соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида»-ги Фармони ўзига хос дастуруламал бўлмоқда.

Унда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида жаҳон стандартларига жавоб берадиган янги замонавий тиббий муассасаларнинг тармоғи янада кенгайтирилди. Бинобарин, беш погонадан иборат самараси кам, кўп харажат талаб этадиган

эски тизим ўрнида замонавий, ихчам, аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга мўлжалланган тиббий-профилактика тизими йўлга қўйилди. Бунинг натижасида ихтисослаштирилган шифохоналар, барча қўлайликларга эга оилавий поликлиникалар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўла таъминланиб аҳолига тез, қўлай ва сифатли хизмат кўрсатмоқда.

«Соғлом она — соғлом бола» тамойили асосидаги ишлар ҳам юқори самара бермоқда. Бунинг натижасида оналар ва болалар ўлими камайиб, турли касалликларнинг олди олиниб, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга эришилмоқда.

Гулчехра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Саноат корхонаси ностандарт асбоб-ускуналарни монтаж қилиш учун монтажчилар бригадаси, шунингдек, умумий қурилиш ишлари иш бошқарувчилари (прораблар), электр-газ пайвандчилар ҳамда умумий қурилиш ишлари ишчиларини доимий ишга

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Иш ҳақи — ишбай, ўз вақтида тўланади.

Ишчи-хизматчилар бепул овқат, транспорт хизмати билан таъминланади.

Чимёнда корхонанинг болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.

Мулоқот учун телефонлар: 241-10-81, 929-55-97, 241-29-94, 167-17-58.

Ўзингиз ҳақингиздаги маълумотларни (резюме) қуйидаги электрон почта манзилига юборинг: [d - kolov @ mail.ru](mailto:d-kolov@mail.ru).

25-13-13
МАЯКА МАДИНАНИНГ
YANGI YIL KOMPYUTER SARDOZASHTIARI
НОВОГОДНЕЕ КОМПЬЮТЕРНОЕ ПРИКЛЮЧЕНИЕ
ПРИНЦЕССЫ МАДИНЫ

10:00 - 12:00 - 14:00 - 16:00 - 18:00
Tel.: 244-35-91; 244-35-94; 244-32-23

«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич оқиб бориш тартибидеда ўтказиладиган оқик аукцион савдосига тақлиф этади!
Аукцион савдосига тақрибан Ҳамза тумани СМБ томонидан қўйилган автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
1. «Ик-271501» русумли, д/р 0123456789 бўлган, 1993 йилда и/ч, Тошкент шаҳар Тўғоғли дарази, 1-ўй олдидеда сақланаётган автотранспорт воситаси, икרו ҳужжати 22.08.2011й. №1-599/11. Бошланғич баҳоси — 1 084 156 сўм. 2. «Москвич-412» русумли, д/р 10474722 бўлган, 1986 йилда и/ч, Ҳамза тумани, Муйнок кўчаси, 241-уйда сақланаётган автотранспорт воситаси, икרו ҳужжати 14.05.2008й. №1-197/09. Бошланғич баҳоси — 234 717 сўм. 3. «Камаз-53212» русумли, д/р 10A2071 бўлган, 1988 йилда и/ч «ЧНТАИМ» ДАЖДА сақланаётган автотранспорт воситаси, икרו ҳужжати 21.08.2009й. №1-504/09. Бошланғич баҳоси— 7 597 738 сўм.
— 61800—Н соғлиқ ҳарбий кўмада сақланаётган: 4. «Москвич-21412» русумли, д/р 10X0059 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси, икרו ҳужжати 30.06.2010й. №20-10-86. Бошланғич баҳоси — 1 567 796 сўм. 5. «Маз-35337» русумли, д/р 11G8211 бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси, икרו ҳужжати 30.06.2010й. №20. Бошланғич баҳоси — 16 725 083 сўм.
Аукцион савдоси 2012 йил 27 декабрь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Тақрирӣ аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан арзулар расмий иш кўчлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушиш вақти). Арзуларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 25 декабрь куни соат 18:00.
Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан телиши суд икросчилари вақти иштирокчида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин.
Аукцион савдосларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчи билан тузилдиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини тўлов ҳужжатида икרו ҳужжати рақами ва санасини қўрсатган ҳолда «Respublika Mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Инак йўли банк» Сайфон филиалидаги қўридаги ҳисоб-рақамига пулалари шарт: к/р: 2021000300571452114, МҚД: 01036, ИФН: 200633850. Аукцион савдоси ўтказилдиган мезгил Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Коржамин кўчаси, 1А-ўй. Тел: 228-79-52.



СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ЙЎЛИДА

«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими кенгаши, Саломатлик ва тиббий статистика институти пойтахт филиали, Қизил Ярим Ой жамияти Мирзо Улуғбек туман бўлими ҳамкорлигида республика ихтисослаштирилган касб-хунар коллежида ногирон талаба-ёшлар иштирокида ўтказилган тадбир «Ёшлар — спорт тарафдори» деб номланди.

Талаба-ёшларнинг спортга бўлган иштиёқини ошириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва тиббий маданиятни шакллантириш мақсадида турт спорт тури бўйича ўтказилган мусобақаларда ёшлар ўз маҳоратларини намойён этиб, ғалаба учун қизгин кураш олиб боришди.

Мусобақа сўнгидан талабалар томонидан тайёрланган бадиий дастур намойиш этилди, шунингдек, тадбирни кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида эстрада хонандалари ўз чиқишлари билан йилгиланларни хушнуд этишди.

Даврон НУРМАТОВ СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Козим Улмасов олган сурат

Миллий архив фонди мамлакатимиз халқларининг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирувчи ҳужжатлар асосида шаклланади. Шу боис архивларга асосан фуқаролар ижтимоий-ҳуқуқий сўровлар билан, олимлар, тадқиқотчилар, талабалар ва турли касб эгалари ўз илмий ва ижодий ишларида фойдаланиш учун мурожаат қиладилар.

Ахборотларнинг тўлалиги ва қимматлигининг биринчи шарты ҳужжатлар ҳосил қилиш бўлиб, улар сақланаётган ташкилотда иш юритишнинг қандайлигига боғлиқ. Иккинчи шарты, ҳужжатларнинг ўз вақтида илмий-техник жиҳатдан қайта ишланиб, давлат сақловига топширилишидир.

Давлат архивларининг асосий вазифаси ҳужжатларнинг сақланишини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу ишда ўзаро бир-бири билан боғлиқ қатор ишлар амалга оширилади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги қарори ва Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларга давлат пенсиясини тайинлаш» тўғрисидаги Қонуни ижросини таъминлаш юзасидан Идоралараро шахсий таркиб ҳужжатлари марказий архивида ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровларни баҳарий хизматини яхшилаш учун қўшимча чора-тад-

бирлар кўрилади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг

Архивлар фаолиятиндан АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Пенсия таъминоти бошқармаси талаблари асосида фуқароларга меҳнат стажи ва иш ҳақи тўғрисида архив маълумотномалари бериш амалга оширилди. Тошкент шаҳар Ижтимоий таъминот муассасалари ва Молия бош бошқармасининг Назорат-тафтиш бошқармаси мутахассислари томонидан фуқароларга тақдим этилган архив маълумотномаларини ўрганишлари учун амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Чунончи, бошқарма ходимларининг маълумотларни текширишлари учун 8500 сақлов

бирлигида ҳужжатлар тақдим этилди ва 256 та далолатномалар тузилди.

2012 йилнинг ўтган 9 ойи давомида Тошкент шаҳар марказий архиви томонидан жамлаш манбаи бўлмаган ташкилотлардан 2693 сақлов бирлигидаги бошқарув ва 1295 шахсий таркиб ҳужжатлари сақловга қабул қилинди. Тошкент шаҳар идоралараро шахсий таркиб ҳужжатлари архивида жами 60 мингдан ортиқ сақлов бирлигидаги ҳужжат 5 мингдан ортиқ фондни ташкил этди.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида ижтимоий-ҳуқуқий мавзудаги 3608та сўровлар баҳарилди. Шулардан 3009та ижобий, 12та кўриб чиқилган ҳолда салбий, ихро учун жойларга юборилди. 587та мурожаат учун 3185та сўровлар бошқа ташкилотларга тавсия этилди. Архивга мурожаат этаётган фуқаролар сўровларига тўлиқ ва ижобий жавоб олишлари учун фаолияти тугатилган ташкилот, муассаса ва корхоналар раҳбарлари ва масъул ходимлари корхоналарни тугатиш жараёнида ҳужжатларини тўлиқ ҳолда архив муассасасига топширишса пенсия тайинлашда ва бошқа ҳолатларда маълумотларга эга бўлишда ижобий жавоб олишларининг имконияти кенгайган бўлар эди. Бу эса ўз навбатида фуқароларга ижтимоий ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини беради.

Феруза ДАДАЕВА, Тошкент шаҳар Идоралараро шахсий таркиб ҳужжатлари марказий архиви директори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади! Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда: 1. Олмалик шаҳар СИБ томонидан 19.05.2008 й. № 2777 - ижро ҳужжати асосан 1984 й. и/ч., Москвич 412 русумли, д/р 11 V 6328 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 538 680,65 сўм. 2. Олмалик шаҳар СИБ томонидан 07.09.2010 й. № 12895 - ижро ҳужжати асосан 1980 й. и/ч., Луаз959М русумли, д/р 11 D 3910 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 1 221 176,70 сўм. 3. Юқоричирчиқ тумани СИБ томонидан 28.12.2011 й. № 11-1130/25283 - сонли ижро ҳужжати асосан 1999 й. и/ч., Кейс 2366 русумли, д/р 14-64 ER бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 59 045 720 сўм. 4. Юқоричирчиқ тумани СИБ томонидан 28.12.2011 й. № 11-1130/25283 - сонли ижро ҳужжати асосан 1996 й. и/ч., Магнум 7240 русумли, д/р 18-11 ED бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 40 784 236 сўм. Юқоричирчиқ туман МТП, Янгигўзар кўрғони Баҳор кўчасида сақланмоқда. 5. Юқоричирчиқ тумани СИБ томонидан 01.03.2012 й. ижро ҳужжати асосан 1980 й. и/ч., Зил 130 русумли, д/р 10 318 ВАА бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси - 15 086 364 сўм. Юқоричирчиқ туман, Истиклол к.ф.й, Арганчи универсал сервис МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 27 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 6. Савдога қуйидаги автотранспорт воситаси СИБ томонидан 05.09.2011 й. № 5853-сонли ижро ҳужжати асосан 2002 й.и/ч., Комбайн КЛЛАС-Мега 204 русумли, д/р сиз бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 67 780 215 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 11 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқориди автотранспорт воситалари 2013 йил 11 январь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 28 январь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушиш вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИНИНГ АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 1048 8730 5002, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй Тел.: 266-80-76.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

2012 йил 20 ноябрдан 20 декабрга қадар пойтахтимизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Ҳар гал ушбу тадбир куз фаслининг охири, қиш фаслининг бошларида ўтказилади. Сабаби, бу даврга келиб, кунлик ҳароратнинг кескин пасайиши, қирвол кунларнинг бошланиши некинжасида айрим фуқароларимиз томонидан қўлбола иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжнинг бирмунча ортиши кузатилиб, фуқароларнинг уй-жойлари ҳамда ҳаётга нисбатан хавфсизлик нуқтани назаридан ушбу ойликнинг ўтказилиши муҳим ҳисобланади.

Агар рақамларга мурожаат этсак, жорий йилнинг ўтган даврида Миробод тумани ҳудудида жами 81 та ёнғин қайд этилган. Бу кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан ошган, шунинг учун амалга оширилиши керак бўлган ишларимиз талаягина. Бу даврда ёнғиндан фуқароларимизга қарийб 335.8000 сўм миқдордада моддий зарар етган. Ачинарлиси шундаки, ёнғинлар натижасида 2 нафар фуқаро турли даражадаги тан жароҳатлари олишган.

Офатнинг олдини олиш учун жойларда, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борил-

моқда. Шунга қарамай, ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг қарийб 49 фоизи хонадонларда содир бўлиб, шундан 70-80% фоизга яқини газ иситиш печларидан ва турли электр жиҳозларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида келиб чиққан.

Бу борада, Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари туну кун «Миробод тумангаз» ва Миробод электр тармоқлари ходимлари билан биргаликда рейдлар ўтказиб, аниқланган ҳолатлар юзасидан тушунтириш ишлари олиб бориб, мавжуд камчиликлар жойида бартараф этилмоқда.

Ҳозирда кўплаб ҳамюртларимиз автомобилларини метан, пропан каби газ ёқилгисига ўтказишиб, бунинг иқтисодий жиҳатдан фойдали эканлигини билиб олишган бўлсада, афсуски, унинг бошқа бир жиҳатига, яъни газ ёқилгисидан фойдаланишда алоҳида қоидаларга амал қилинмаса, кўнгилсиз ҳодиса юз беришини ҳам эътибордан четда қолдирмасликларни даркор. Уларда ёнғинларнинг олдини олиш борасида, мутасадди ходимлар билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги барча автокорхоналар, автотураргоҳлар ва бошқа тегишли жойларда «Газбаллон» тадбири ўтказилиши давом этмоқда.

Шубҳасиз, ҳар бир ёнғин — йўқотишдир. Ёнғин оқибатида инсонлар умри хазон бўлмаслиги, бир умрга ногирон бўлиб қолмасликларини учун барчамиз оловдан унумли фойдалана билишимиз зарурдир. Шундай экан, мазкур тадбирда барчамиз бирдек фаол қатнашсак, нафақат ушбу ойда, балки йил давомида ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак, кўплаб талафотларнинг олдини олган бўламиз.

Жалол АСКАРОВ, Миробод тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи, подполковник



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳаёт орқага эмас, олдинга қараб ҳаракатланади, бинобарин, болачакам дейсан.

Ҳаётни кузатасан, Айбларинг тuzатасан.

Кўнгилни олишинг минг бир усули бор, қолдириш учун эса биргина ноҳўя ҳаракат ёки ноўрин сўз кифоя.

Устун кулаган оила ҳеч қачон тик бўлмайди.

Ҳар бир соҳа вакиллари ўртасида ўзаро келишув бор.

Баъзи ўйинларнинг охири фожиа билан тугайди.

Ёмонликда қурбонликлар бор.

Одам боласи кўпинча ўз йўлини ўзи боғлайди.

Ёмонга баробар бўлиб обрў ололмайсан.

Тилдаги муҳаббат ҳавога учиб кетади.

Заиф кимса тақдир зарбаларига дош беролмайди.

Ҳар қандай сабр-тоқатнинг ҳам бир чегараси бўлади.

Манфаат бандаси муҳаббатга лойиқ эмас.

Ёмон учун яхши одамнинг ўзи йўқ.

Ёлғон бир кун фош бўлмай қолмайди.

Нодон ҳақиқатни тушуниш ва қабул қилишга қодир эмас.

Нодон билганидан қолмайди.

Ким тафаккур билан яшайди, ким тасаввур билан.

«SHAHRIYOR FARM MEDIKAL» масъулияти чекланган жамияти дорихонасига тегишли 6895/6328-08-сонли лицензия битими йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Нурулла Насимовга волида муҳтарамаси **ҲАМИДАХОН ЯНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзгидромет 0-2 даража илқ бўлади. **Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 13 декабрда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити ишар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бир оз тарқаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секунданли даражаси 1-3 фоз пасоли тахмин қилинмоқда, 3-5 даража совуқ, кундузи — тағкидори наст бўлади.**

Газетанинг навбатдаги сони 14 декабрда чиқади.